MILLIY TIKLANISHDAN — MILLIY YUKSALISH SARI

# MILLIY TIKLANISH

O'zMTDP — www.mt.uz

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси нашри

№ 44-45 (1043) 2019 йил 27 ноябрь, чоршанба
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган
Адади 25020



2 с КОРЕЯДАГИ 2000 НАФАРГА ЯҚИН ФУҚАРОЛАРИМИЗ САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТМОҚЧИ

3 с ДИҚҚАТ, СОХТА УНИВЕРСИТЕТЛАР!

8 с ЖАСУР ИТАЛИЯГА ЙЎЛ ОЛМОҚДА



# Ким ким учун овоз беради?



25 кундан кейин ўзининг 35 мингдан зиёд номзодлари тимсолида 5 та сиёсий партия сайловчи имтиҳонидан ўтади.

Илк бор сўз ва матбуот эркинлиги тўла таъминланган шароитда ўтаётган сайловларда икки мингдан зиёд хорижий кузатувчининг иштирок этиши кутилаётир.

Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун 230 миллиард 549 миллион сўм маблағ ажратилгани, ҳудудий округ ва участка сайлов комиссияларига 96 миллиард 807 миллион сўм, сиёсий партияларнинг тадбирлари ва номзодларнинг сайловолди ташвиқот ва тарғибот ишларига 46 миллиард 674 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилганини таъкидлаш жоиз.

Экспертларнинг фикрича, бу галги сайловларда 2003 йилдан бери хукумат партияси мақомини эгаллаб келаётган Либерал-демократлар ўрнини эгаллаш учун ҳар бир партияда етарлича имконият бор. Сайловда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли манфаатини ҳимоя қилишни асосий вазифаси санаётган ЎзХДП энг кам ўринни олиши тахмин қилинаётган бўлса-да, Улуғбек Иноятов етакчилигидаги партия вакиллари ўзларини гўёки сўнгги бора сайловда қатнашаётгандек тутмоқдалар.

«Адолат» илгари сураётган ғоялар аллақачон давлат дастурлари асосида амалга ошаётгани боис, ушбу партия ташаббуслари ҳам кўпчилик сайловчилар эътиборини тортаётгани йўқ. Аммо шунга қарамай, айрим экспертлар «Адолат» имкониятларини ЎзХДПга нисбатан баланд баҳолашяпти.

Давоми 2-бетда

«Сайлов – 2019»

## САЙЛОВГА 25 КУН ҚОЛДИ, СИЗ ЎЗ ҲУҚУҚИНГИЗДАН ФОЙДАЛАНАСИЗМИ?

**Ўзбекистон катта сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови арафасида турибди. Сайловда овоз бериш сизнинг (18 ёшдан юқорилар) сиёсий ҳуқуқингиздир.**

Сайловларга 26 кун қолди. Эртанги тақдиримиз, маҳалламиз, шаҳримиз ва юртимиз фаровонлигига ҳисса қўша олувчи номзодларни танлаш сизнинг қўлингизда. Сайловларга бефарқ бўлманг, муносибларга овоз беринг.
Сайловларга бефарқ бўлмоқлик, бу эртанги кунимизга лоқайдликдир. Номзодларни ўрганиб, уларни қўллаб овоз берайлик.
Шунда эртага улардан ўз ваколатларидаги вазифаларни талаб қилишда ҳам фаол бўламиз. Бизнинг фаоллигимиз эса депутатларни ҳушёрликка чақиради.

ЎзА

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ СИФАТ ТАРКИБИ

| Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сони | Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига янгидан номзод этиб қўйилганлар сони | | Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига қайтадан номзод этиб қўйилганлар сони | |
|---|---|---|---|---|
| | эркак | аёл | эркак | аёл |
| 750 100% | 440 59% | 310 41% | 37 5% | 6 1% |

**МУТАХАССИСЛИГИ**

| | | |
|---|---|---|
| Ҳуқуқшунос | 52 | 9.6% |
| Иқтисодчи | 143 | 19.1% |
| Шифокорлар | 93 | 12.4% |
| Педагоглар | 223 | 29.7% |
| Журналистлар | 24 | 3.2% |
| Аграномлар | 30 | 4.0% |
| Муҳандислар | 65 | 8.7% |
| Тадбиркорлар | 18 | 2.4% |
| Сиёсатшунослар | 3 | 0.4% |
| Файласуфлар | 8 | 1.1% |
| Бошқалар | 91 | 12.1% |

**МИЛЛАТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Ўзбеклар | 687 | 91.6% |
| Қорақалпоқлар | 25 | 3.3% |
| Қозоқлар | 6 | 0.8% |
| Руслар | 7 | 0.9% |
| Тожиклар | 13 | 1.7% |
| Қирғизлар | 3 | 0.4% |
| Татарлар | 2 | 0.3% |
| Корейслар | 4 | 2.7% |
| Бошқа миллат вакиллари | 3 | 0.4% |

**МАЪЛУМОТИ**

| | | |
|---|---|---|
| Фан доктори | 26 | 3.1% |
| Фан номзоди | 68 | 9.5% |
| Олий | 750 | 100% |
| Ўрта-махсус | 0 | 0% |
| Ўрта | 0 | 0% |

**ЁШИ**

| | | |
|---|---|---|
| 25 дан 30 гача | 14 | 1.9% |
| 31 дан 40 гача | 227 | 30.3% |
| 41 дан 50 гача | 341 | 45.5% |
| 51 дан 60 гача | 156 | 20.8% |
| 60 ёшдан катталар | 12 | 1.6% |

#САЙЛОВ2019 t.me/electionsuz

> Партия «парламентни – «халқ уйи»га, депутатларни – халқимизнинг фидойи хизматчисига айлантириш»ни амалда таъминлашни асосий вазифа деб билади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларининг, энг аввало, ўз сайловчилари билан доимий ва узлуксиз алоқасини йўлга қўйиш орқали халқимизнинг муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш, уларга ечим топиш чораларини кўради.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН



## УЛАРНИ ЖАҲАННАМГА ЙЎЛЛАГАНЛАР КИМ?

Келгуси сонларимизда

## АРАВАНИ ҚУРУҚ ОЛИБ ҚОЧАЁТГАН НОМЗОДГА МАСЛАҲАТ...

Сайлов яқинлашгани сайин сиёсий партиялар турли ташаббус ва ғояларни илгари суриб, имкон борича сайловчиларга яхши кўринишга ҳаракат қиляптилар.
Агар бир партия етакчиси «2,5 миллион сўмга беш аъзоси бўлган оила бемалол яшайди» дея ижтимоий тармоқларни ларзага солган бўлса, бошқа бир партия вакили Олий таълимни бепул қилишга ваъда бериб, чинакам «қаҳрамон»га айланди.

4 с

## ЯНА БОЖ ТЎЛАЙМИЗМИ?

3-бет

Андижон, Бухоро, Жиззах ва Самарқандда ўтган 30 дан ортиқ учрашувларда кўпчилик фуқароларимиз янгиланган “Миллий тикланиш”ни қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдиришганини айтиш жоиз.

# Ким ким учун овоз беради?

Бошланиши 1-бетда




Ўзини бу сафар ҳам ғолиб санаётган Либерал демократлар эса аъзолари сони жиҳатдан кўпчиликни ташкил этса-да, кейинги 5 йилда бир эмас, уч маротаба фермерларнинг ушбу партияга ихтиёрий-мажбурий тарзда аъзоликка қабул қилингани партиянинг сайловолди хатти-ҳаракатларидаги ишончсизлигининг бош сабаби, деб изоҳланяпти. Бунинг устига номзодлари орасида тадбиркорлар сонининг кескин камайиб кетгани ҳам партия ўзининг асл мақсад-муддаоларидан чекиндими, деган фикр-мулоҳазаларни келтириб чиқара бошлади.

Экологлар партиясининг биринчи марта сайловга чиқаётгани эса уларга нисбатан хайрихоҳлар сонининг ортишига олиб келяпти, дейиш мумкин.

Шу ўринда оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда асосий эътибор партиялараро баҳс ва дебатларга қаратилгани сайловчиларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбирга қизиқишларини кескин кучайтирди. Тўғри, давлат ва нодавлат телерадиоканалларида ташкил этилаётган учрашувларда сиёсий партиялар ва депутатлар фаолияти кескин танқид қилиняпти. Айниқса, депутатлар корпусининг камчилик ва нуқсонларини фош этишда ижтимоий тармоқлар фаоллик кўрсатяпти. Бу ҳам бўлса матбуотимиз фаолиятида яққол кўзга ташланаётган дадиллик бўлажак сайлов натижасига таъсир этаётган асосий омилга айланаётганини кўрсатяпти. Шу ўринда 3 миллионга яқин ёшлар биринчи марта сайловларда иштирок этишини, хориждаги юртдошларимиз ҳам сайловларга алоҳида тайёргарлик кўраётганларини таъкидлаш жоиз.

Инсонни ўзгартирмай туриб жамиятни ўзгартириб бўлмайди, мавжуд иллатларни бартараф этиш инсон тарбиясигагина боғлиқ, деган ғояни илгари сураётган партиямиз вакиллари эса кечадан бошлаб жойларда сайловчилар билан учрашувларга киришиб кетдилар. Шу ўринда Андижон, Бухоро, Жиззах ва Самарқандда ўтган 30 дан ортиқ учрашувларда кўпчилик фуқароларимиз янгиланган «Миллий тикланиш»ни қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдиришганини айтиш жоиз.

Узлуксиз тарбия тизимини шакллантириш, туризмни изчил ривожлантириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш йўлида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун муқобил кредитлаш тизимини яратиш ҳамда солиқ амнистияси эълон қилиш сингари янги ғоя ва ташаббуслар чиндан ҳам номзодларимизнинг ҳаётий позицияларини намоён этяпти. Бу эса айни пайтда партиянинг сайловолди дастури ҳам электорат томонидан маъқулланган халқона ҳужжатга айланганини кўрсатмоқда.

**Умид АРСЛОНБЕКОВ,**
**ўз мухбиримиз**

## НОМЗОДЛАР САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

**Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.**

Шаҳардаги 15-умумтаълим мактабида ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов ўтказувчи Андижон шаҳридаги 21-Истиқлол сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари ҳамда сайловчилар иштирок этди. Унда сайлов жараёнлари, номзодларнинг тарғибот тадбирлари янги Сайлов кодекси асосида ўтказилаётгани таъкидланди.

– Сайлов участкамизда бўлажак сайловларни юқори савияда ўтказиш учун зарур барча ишлар олиб борилмоқда, – дейди Андижон шаҳридаги 15-умумтаълим мактабида жойлашган 713-сайлов участкаси раиси Гулчеҳра Мирзаева. – Жумладан, депутатликка номзодларнинг тарғибот тадбирларини, сайловчилар билан учрашувларини ўтказишлари учун белгиланган тартиблар асосида уларга тенг имконият ва шароитлар яратилган.

Учрашувда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар сайловчиларга ўз дастурлари ҳақида гапириб берди. Ўз навбатида, номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчиларни номзодлар билан яқиндан таништириб, уларнинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурларининг асосий йўналишлари бўйича маълумотлар берди.

Учрашувда номзодлар сайловчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# Кореяда яшаётган 2000 нафарга яқин фуқароларимиз сайловларда иштирок этиши кутилмоқда

**Жорий йилнинг 26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.**

Видеоконференц алоқа шаклида ўтказилган мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари ва масъул ходимлари, округ сайлов комиссиялари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, барча вилоятлар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Москва ва Кванджу шаҳарларидаги ваколатхоналарида қўшимча сайлов участкаларини тузиш ва уларни тегишли сайлов округларига бириктириш, хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш, Корея Республикасида очилган сайлов участкалари фаолиятини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, кун тартибидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш, оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 87-Ангрен округ сайлов комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш масаллари ўрин олди.

Сайлов кодексининг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузилиши, уларни округга бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Мажлисда Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Москва шаҳридаги ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 54-сайлов участкаси ва Кванджу шаҳаридаги ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 55-сайлов участкаси тузилди. Москва шаҳрида тузилган 54-сайлов участкаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 145-Бодомзор сайлов округига, Агентликнинг Кванджу шаҳрида тузилган 55-сайлов участкаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 146-Астробод сайлов округига бириктирилди.

Корея Республикасида тузилган сайлов участкалари фаолиятини ташкил этиш ва Кореядаги ватандошларимизнинг сайловда овоз бериш ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виталий Фен батафсил ахборот бериб ўтди. Кореядаги сайлов участкалари сони бугунги кунгача 1 тани ташкил этиб, у Сеул шаҳрида жойлашган эди. Марказий сайлов комиссияси бугунги йиғилишида Кванджу шаҳрида ҳам 2-сайлов участкасини очиш масаласини кўриб чиқиб қарор қабул қилганлиги Корея Республикасида истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг сайловларда иштирок этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Элчи жаноблари томонидан таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссиясининг «Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Корея Республикасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан меҳнат жамоалари, турли таълим даргоҳлари ҳамда ёшлар ўртасида қатор учрашувлар ўтказилмоқда.

> **САЙЛОВ КОДЕКСИНИНГ 10-МОДДАСИГА**
> **мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузилиши, уларни округга бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилиши белгилаб қўйилган.**

Сайлов кодексига мувофиқ элчихона томонидан декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш истагини билдирган фуқароларнинг сайловчилар рўйхатини тузиш бошланган. Ушбу муҳим сиёсий жараёнга оид маълумотлар билан танишиш истагида бўлган Ўзбекистоннинг Кореядаги фуқаролари эндиликда элчихонанинг расмий веб-сайтидан сайлов қонунчилигидаги янгиликлар, овоз бериш манзили ва куни, вақти ҳамда бошқа кўплаб ахборотларни олишлари мумкин.

Бундан ташқари, сайловчилар saylov.mfa.uz манзили орқали олдиндан электрон рўйхатдан ўтишлари мумкин.

– «Ҳозирги кунда Корея Республикасида истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2000 нафардан зиёд. Уларнинг 150 нафари дипломатик ваколатхонамизда доимий рўйхатдан ўтган. Сайлов ташвиқотига оид учрашувларимизда 1000 ортиқ ватандошларимиз, талаба ёшларимиз сайловда фаол иштирок этиш истакларини билдирмоқдалар. Биз уларга бу ерда овоз беришда эркин иштирок этишлари ва Конституцион ҳуқуқларидан фойдаланишлари учун яратилган қулайликлар ва имкониятлар ҳақида батафсил тушунтиришлар бермоқдамиз. Шу жумладан элчихона, ваколатхоналаримиз ва консульлик идораларимиз веб-сайтлари орқали ҳам тушунтириш ишлари олиб борилди. Сайловга қадар уларнинг барчасини қамраб оламиз ва кенг имкониятлар яратиб берамиз. Тахминларимизга кўра, Корея Республикасида истиқомат қилаётган 2000 нафарга яқин фуқароларимиз ушбу сайловларда шу ерда овоз беришда иштирок этадилар. Сайловни барча демократик талаблар асосида, юқори савияда ташкил этамиз ва ўтказамиз», – деди Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Виталий Фен.



Сайловларда халқаро кузатув институти – хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан тайинланадиган вакиллар (кузатувчилар) орқали тегишли мамлакатда сайловларга тайёргарлик кўрилиши жараёнини, сайловларнинг очиқ ва ошкора ўтказилишининг таъминланганлигини кузатиб боришдан иборат.

Мажлисда қайд этилганидек, бу йилги сайловларда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган 57 давлатдан 250 нафарга яқин қисқа муддатли, 30 нафар узоқ муддатли, шунингдек, бошқа давлат ва хақаро ташкилотлардан 300 га яқин, жами 600 нафардан зиёд кузатувчи иштирок этиши кутилмоқда.

Мажлисда Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ МДҲ давлатлари миссиясидан 7 нафар ва ЕХҲТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссиясининг 42 нафар халқаро кузатувчилари аккредитациядан ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясини ёритиш юзасидан мамлакатимиз ва чет эл журналистларини аккредитациядан ўтказиш масалалари давом этмоқда. 2019 йилнинг 26 ноябрь холатига кўра, аккредитациядан ўтказилган маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари сони 233 тага етди. Худди шундай ваколатга эга бўлган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари сони эса, 67 тани ташкил этмоқда.

Мажлисда шунингдек комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 87-Ангрен округ сайлов комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш масаласини кўриб чиқишди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 87-Ангрен округ сайлов комиссияси раиси Исраилов Фурқат Артыкбаевич берган шахсий аризасига мувофиқ ўз вазифасини бажаришдан озод қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг тавсиясига кўра, ушбу округ сайлов комиссия раисининг ўринбосари Карабаев Эсанали Мирсидиқович комиссия раиси, Ангрен транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Маматалиев Абдаким Маматали ўғли комиссия раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

*Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати*

**Таълим фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олиш муддати ҳам 30 кундан 10 кунга қисқартирилди. Бундан ташқари фуқароларга ҳужжатларни ўз яшаш жойидан топшириш имконияти ҳам яратилди.**

# Диққат, сохта университетлар!



**Маълумки, таълим хизматлари кўрсатиш бозорида соғлом рақобатни шакллантириш таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан биридир. Хусусан, нодавлат таълим ташкилотлари тармоғини янада ривожлантириш, ушбу соҳага давлат-хусусий шерикликнинг турли шаклларини самарали жорий этиш ҳамда давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.**

Таълим фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олиш муддати ҳам 30 кундан 10 кунга қисқартирилди. Бундан ташқари фуқароларга ҳужжатларни ўз яшаш жойидан топшириш имконияти ҳам яратилди.

Аммо кейинги пайтларда ўзини «нодавлат олий таълим ташкилоти» ёки «хорижий олий таълим ташкилотларининг филиали» деб эълон қилаётган айрим ташкилотлар ғаразли мақсадлар йўлида ёшларни чалғитишга ҳам уринаётганини қайд этиш жоиз.

Буни янги ўқув йили бошланганига 3 ой бўлган бўлса-да, 2019/2020 ўқув йили учун ўқишга киришга ҳужжатлар қабул қилинаётгани ва бунинг учун пул ундирилаётганида ҳам кўриш мумкин. Бундай контракт шартномалари тузилаётгани тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва яқинлари томонидан кўплаб мурожаатлар ҳам келиб тушмоқда.

Мурожаатларга кўра, Россия Федерациясининг айрим олий таълим муассасалари Ўзбекистон ҳудудида олий таълим беришга рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлмай туриб, абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилмоқда.

**Жумладан:**

✦ Томск давлат бошқарув тизимлари ва радиоэлектроника университети;

✦ Молия, иқтисод ва захирадаги офицерлар ҳуқуқи институти;

✦ «Тадбиркорлик олий мактаби» хусусий олий таълим муассасаси;

✦ «Шарқий-Европа институти» хусусий олий таълим муассасаси;

✦ «Сибир бизнес ва ахборот технологиялари институти» нодавлат олий таълим муассасаси ва бошқалар.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ, нодавлат таълим ташкилоти сифатида Таълим инспекцияси рўйхатидан ўтмаган нодавлат таълим ташкилотлари томонидан берилган дипломлар юридик ҳуқуққа эга эмас.

Таълим инспекцияси юқоридагидек ҳолатларни инобатга олиб, фуқароларни ҳаққоний ва шаффоф маълумот билан таъминлаш ҳамда уларнинг таълим сифати бўйича маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган ва дипломи тан олинадиган олий таълим муассасалари рўйхатини эълон қилиб бормоқда.

Улар билан ушбу манзилда tdi.deepx.uz танишса бўлади.

Ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясига ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

## ЎҚИТУВЧИ НУФУЗИНИ ОШИРАМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Президентлиги раислигида жорий йилнинг 23 август куни Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва жамиятда ўқитувчи мавқеини ошириш чора-табдирлари мавзусида бўлиб ўтган видеоселектор мажлисида мактаб таълимини ривожлантириш буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши, устозларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – жамиятимиздаги олий қадрият даражасига кўтарилиши зарур эканлиги белгиланган эди.**

Шу муносабат билан жойларда раҳбар ва мутасаддилардан иборат ишчи гуруҳ аъзолари "Бутун кучни халқ ичидан олайлик, қучоқ очиб мактабларга борайлик" шиорини дастуриламал қилиб, мактаб таълимини ривожлантиришга йўналтирилган буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига етакчилик қилмоқдалар.

Жорий йилнинг 24 ноябрь куни Хоразм вилоятининг ҳар бир ҳудудида ўқитувчилар учун маданий дам олиш тадбирлари, концерт дастурлари ўтказилди.

Маданий дастурлар аҳоли маданият ва дам олиш маркази, вилоят Ёшлар маркази, мусиқа ва санъат мактаби ҳамда умумтаълим мактаби биноларида бўлиб ўтди.

Шунингдек, ўқитувчилар учун арзонлаштирилган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилди. Ярмаркаларда ўқитувчилар фаол иштирок этиб гўшт, тухум, балиқ ва бошқа турдаги маҳсулотларни харид қилдилар.

Кун давомида ўтказилган тадбирлар ўқитувчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

*Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси Матбуот хизмати.*

*ЎзА*

Обуна – 2020!
Обуна индекси
158

## Буюклар, иқтидорлилар устидан кулишга шошилмаганингиз маъқул



**Уни руҳий беморга чиқаришди. Унга қараб кулдилар, ҳатто хўрладилар ҳам. 3 ёшида Аспергер синдроми ташхиси қўйилган қизалоқ улғайгани сари дунёга сиғмай қолаётгандек эди. Дарсларда синфдошларидан ортда қолаверганидан тенгдошлари у билан алоқа қилмай қўйди. Шу тариқа...**

Маълум бўлишича, унинг ақл-идрок даражаси 162 баллдан зиёд экан. Айтганча, таниқли физик Алберт Эйнштейннинг ақл-идрок даражаси атиги 160 баллни ташкил этган... Шундан кейин Адхаранинг ота-онаси унга мос келадиган янги мактаб топишди. Адхара 8 ёшида ўрта мактабни тугатди.

Хабарларга кўра, дарслар пайтида ўзини ухлаганга солиб юришни одат қилган қизалоқда ақлий салоҳият шу даражада юқори бўлганки, у оддий одамлар билан мулоқот қилишга ниҳоятда қийинчилик сезган.

Аммо маълум вақт ўтиб, Адхарани текширишга келган психологлар кутилмаганда қизалоқнинг жуда юқори ИҚ даражасига эга эканини аниқлашган.

Айни пайтда Адхаранинг саноат ва тизим муҳандислиги бўйича таҳсил олаётгани хабар қилиняпти.

Ана сизга руҳий бемор дея таҳқирланган қизалоқ тақдири...

## Кутинг!



«MILLIY TIKLANISH» ГАЗЕТАСИНИНГ №39-40 ҚЎШМА СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ЎзХДП АЪЗОСИ МАҚСУДА ВОРИСОВАНИНГ РОССИЯ КОММУНИСТЛАР ПАРТИЯСИ ЕТАКЧИСИ ГЕННАДИЙ ЗЮГАНОВГА ҚАНДАЙ «ҚАРИНДОШ»ЛИГИ БОР?» МАҚОЛА АНОНСИ УЧУН ТАҲРИРИЯТ УСТИДАН

**ПРОКУРАТУРАГА МУРОЖААТ ҚИЛГАН ЎзХДП РАИСИ ЭКАН...**

Келгуси сонларимизда

**Таниқли юрист-блогер Хушнудбек Худойбердиевга бир гуруҳ ёшлар Тошкент шаҳрига прописка қилинганларига қарамай, улардан давлат божи ва қўшимча маълумотлар талаб этилаётгани юзасидан ёрдам сўраб мурожаат қилишибди.**



# ЯНА БОЖ ТЎЛАЙМИЗМИ?

«Ассалому алайкум!

Хабарингиз бор, яқинда Ёшлар иттифоқи тавсияси асосида Тошкент шаҳридан 600 нафарга яқин ёшларга уй ажратилди. Айни пайтда ана шу уйларни расмийлаштириш жараёни кетмоқда.

Биз – юздан ортиқ ёшлар ишхона томонидан Тошкент шаҳрига доимий прописка қилинганмиз. Лекин бунга ҳали уч йил тўлмади. Расмийлаштириш жараёнида нотариус умумий маблағнинг 5 фоизи миқдорида давлат божи, туман ИИБ ва ишхонадан прописканинг ҳақиқийлиги ҳақида ҳам маълумотнома талаб қилмоқда. Шу масалада маслаҳат берсангиз?

– Биринчидан, ходим прописка берилган ташкилотда 3 йилдан ортиқ ишлаётган бўлса, гарчи пропискага кирганига 3 йил тўлмаган бўлса-да, 5 фоизли давлат божини тўламайди. Шу сабабли ҳам нотариус ишхонангиздан маълумотнома талаб қилган.

Агар ходимнинг ўша ташкилотда ишлаётгани ёки рўйхатнинг бошқа бандлари билан пропискага кирганига 3 йил тўлмаган бўлса, уй нархининг 5 фоизи миқдорида (масалан, 300 млн. сўмлик уй бўлса, 15 млн. сўм) давлат божи тўлаши белгиланган. Чунки у худди Тошкентда пропискаси бўлмаган шахс каби қабул қилинади.

Иккинчидан, кўпчиликни ўйлантираётган яна бир масала бор. Фараз қилинг, фуқаро узоқ йиллар «А» номли давлат ташкилотида ишлаб, ўша ташкилотдан 2018 йилда 11-банд асосида пропискага кирган. Лекин яқинда «Б» ташкилотига ишга ўтган. Амалдаги қонунларга кўра, агар «Б» ҳам прописка бериш ҳуқуқига эга ташкилотлар рўйхатида бўлса, унда фуқаронинг пропискаси «кўчиб ўтади», яъни унинг янгидан 11-банд билан прописка олишига ҳожат йўқ. Аммо уй олишда ушбу «трансфер» фуқаро зарарига ишлайди. Чунки унинг «Б» ташкилотда ишлаётганига ҳали 3 йил тўлмаган. Пропискага кирганига ҳам 3 йил бўлгани йўқ.

Демак, фуқаро узоқ йиллар соғлиғи, куч-қуввати ва ақлини давлат учун сарфлаган бўлса ҳам, унга «келгинди» сифатида қаралади ва у ҳам уй нархининг 5 фоизи миқдорида давлат божи тўлашга мажбур.

Учинчидан, паспорт бўлимидан маълумотнома олиш мумкинлиги ҳам амалдаги йўриқномада (http://lex.uz/docs/4138215#4140909) кўрсатилган. Яъни, паспортда штамп бўлса ҳам, алоҳида яна маълумотнома сўралади.

Ҳа, бу бюрократия, ҳа, бу ортиқча қоғозбозлик, лекин амалдаги қонунчилик талаби шундай. Алам қиладигани, пропискасига 3 йил тўлмаганлар мана шундай маълумотномаларни ҳам олиб келишади, яна қўшимчасига 15 млн. сўм давлат божи ҳам тўлашга мажбур бўладилар.

**Ватанни севиш, ардоқлаш муқаддас мақсадимиз, олий бурчимиздир. Ҳадислардан бирида "Ватанни севмоқ иймондандир" дея бежизга айтилмаган.**

# АРАВАНИ ҚУРУҚ ОЛИБ ҚОЧАЁТГАН НОМЗОДГА МАСЛАҲАТ...

**Сайлов яқинлашгани сайин сиёсий партиялар турли ташаббус ва ғояларни илгари суриб, имкон борича сайловчиларга яхши кўринишга ҳаракат қиляптилар.**
**Агар бир партия етакчиси «2,5 миллион сўмга беш аъзоси бўлган оила бемалол яшайди» дея ижтимоий тармоқларни ларзага солган бўлса, бошқа бир партия вакили Олий таълимни бепул қилишга ваъда бериб, чинакам «қаҳрамон»га айланди.**
**Куни кеча эса яна бир сиёсий куч аъзоси ўзига хос ташаббусни илгари суриб, сайловчилар эътиборини тортишга «эришди» дейиш мумкин.**
**Мулоҳазаларимиз ноёб ташаббус муаллифи томонидан нотўғри қабул қилинмаслиги учун айни шу масалада айрим ҳамкасбларимиз томонидан эълон қилинган мулоҳазалар билан чекланишга қарор қилдик.**



**Ҳусниддин БЕРДИЕВ, «Оила даврасида» газетаси Бош муҳаррири**

Сергели тумани номини ўзгартириш таклиф этилибди. Ана, холос! Жуда оғир ва катта муаммони кўтариб чиқибди-ку бу партия деганлари...

Ундан кўра, туманда йиғилиб қолган юзлаб муаммоларга эътибор қаратилса, тўғрироқ бўлармиди, жаноб партия фаоллари! Бу ном бу туманга қанчалик хос ёки мос эмаслиги бошқа масала. Аммо СИРҒАЛИ эмас СЕРГЕЛИ бўлса керак аслида. Майли гап бу ҳақда ҳам эмас.

Кейинги йилларда ушбу туманда 500 дан зиёд янги уйлар қурилди. Шунча кўп қаватли уйга қанча минг одам кўчиб келганини тасаввур қиляпсизми? Шунга яраша аҳолига хизмат кўрсатиш даражасичи, қанчага ошди, бу кўрсаткич? Афсуски, 0 даражада турибди.

Туманни шаҳар билан боғлайдиган бирорта ҳам янги йўл қурилмади! Битта кўприк қурилиши мана икки йилдан бери чўзиляпти. Деярли барча йўллардаги «пробка»лар дастидан шаҳар марказигача келиш учун бир соатдан зиёд вақт сарфлашга тўғри келяпти.



Электр, газ, иссиқлик таъминоти идораларига бир бориб кўринг, ҳар куни қарийб эллик нафарга яқин одам навбатда турганини кўрасиз. Пул тўлаш учун...

Сергелида битта туғруқхонадан бошқа биронта ҳам шифохона йўқлиги, аҳоли ўз яқинларини шаҳарнинг қайси ҳудудига олиб боришини билмай, касалхонама-касалхона юрганини биласизми?

Тайёр бозор бузилиб, ҳали ҳам турли жойларга «сочилиб» ётганини-чи?

Ота-оналар дам олиш кунлари фарзандларини сайр қилдириш учун бирорта тайинли маскан йўқлигидан ном ўзгартирмоқчи бўлган «ташаббускорлар»нинг хабари йўқ шекилли!

Хуллас, ҳали яна анча давом эттириш мумкин муаммолар занжирини...

Бир ўйлаб кўринг-чи, ана шу муаммолар ечимини излаш фойдалироқми ёки туман номини ўзгартириб «ура-урачилик» билан шуғулланишми?



**Шароффиддин ТЎЛАГАНОВ,** *сиёсий шарҳловчи*

Бундан беш йил аввал сиёсий партиялар дебатларида асосан «сайловлар пайти қандай тартибда овоз бериш керак»лиги муҳокама қилинарди. Яъни, сайловчиларга ўзлари билган нарсалари яна ўргатилар эди. Бу гал вазият ўзгарди. Дебатларда сал бўлса-да жўшқинлик бор. Аммо партия вакилларида ҳадик кузатилаётгандек (ёки номзодлар танлашда шошма-шошарликка йўл қўйилган).

Куни кеча яна бир ташаббус эълон қилинди. Гўёки қайсидир туман номини ўзгартирсак, муаммолар ҳал бўлиб қолар экан. Ўша номзод туман номи кимнинг ҳисобидан ўзгартирилиши, бунинг учун қанча маблағ сарфланишини билармикан? Мана шундай номзодга ҳар йили қабул қилинадиган бюджет тақдирини ишониб топшириш мумкинми?

Агар қандайдир фармон ёки қарор билан муаммолар ҳал қилинганида эди, 1980 йилда СССРда коммунизм қурилган бўларди.

Ижтимоий тармоқларда бўлажак сайловларга чиқмаслик кераклиги борасидаги таклифларга ҳам кўзимиз тушяпти. Бу нотўғри. Фуқаролик позицияси қани?

Номзодлар билан бўладиган учрашувларда иштирок этайлик ва мавжуд муаммолар хусусида уларга маълумот берайлик. Токи номзодлар ватан тақдирига бефарқ эмаслигимизни билиб қўйсинлар.

Очиғини айтаман, маълум сабабларга кўра, партиялар ўртасидаги дебатларни кўра олмаяпман. Қандай масалаларни кўтариб чиқишяпти. Қишдан эсон-омон чиқиб олиш, газлаштириш, кўмирлаштириш, электрлаштириш ҳақида фикрлар билдириляптими? Ёки «депутат этиб сайлансам ундоқ қиламан, бундоқ қиламан...»дан нарига ўтилмаяптими?

Яна сайловлардан кейин халқ термасида куйланганидек:

«Чумчуқ жўхорим еб кетди,
Эртага келаман деб кетди,
Катта йўлга чиқволиб
....келаман деб кетди», бўлмасин-да ишқилиб!



## ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА НОМИДАГИ ИЖОД МАКТАБИ ЖАМОАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ИЖОДКОРЛАРГА МУРОЖААТИ

Азиз ижодкорлар!

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида кузатилаётгани каби жонажон Сирдарёда ҳам оламшумул ўзгаришлар рўй бермоқда, бундан барчамизнинг кўнглимиз ифтихорга тўлмоқда.

Кейинги йилларда иқтисодиёт юксалиб, ўсиш, ривожланиш яққол кўзга ташланди. Кўзланган эзгу мақсадлар сари дадил қадамлар ташлаб борилмоқда. Улкан ва салобатли иншоотлар барпо этилаётгани, буюк бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани барчани бирдай ҳайратга солмоқда!

Зеро, Ватанни севиш, ардоқлаш муқаддас мақсадимиз, олий бурчимиздир. Ҳадислардан бирида "Ватанни севмоқ иймондандир" дея бежизга айтилмаган.

Улуғ сўз санъаткорларимиз битикларида ҳам Ватанни севишга чорланганининг гувоҳи бўламиз:

*Нолангман, мен шаънингга*
*шеър айтолмаган,*
*Болангман, мен юзингдан*
*тер артолмаган,*
*Кўзим, юмиб кўкрагингга қулоқ тутсам,*
*Худо бериб кетган буюк,*
*шеърсан Сирдарё!*

Биз, жонажон Сирдарёда рўй бераётган асрга татигулик ўзгаришлар, бунёдкорлик ва юксалишлар, янгиланишлардан руҳланган барча ижодкорларни Сирдарёни мадҳ этувчи асарлар яратишга чорлаймиз ва "ҚАЛБИМДАГИ ҚЎШИҚСАН, СИРДАРЁ" адабий-бадиий асарлар танловини эълон қиламиз.

Мазкур танловда Сирдарёни мадҳ этувчи шеърлар, ғазаллар, достонлар қабул қилиниб, келажакда китоб ҳолида чоп этилади. Асарларни Сирдарё вилояти Ижодкор ўқитувчилар Кенгаши Ҳайъати аъзолари баҳолайди.

Танловда юқори баҳоланган (1, 2, 3-ўрин) асарлар муаллифлари Сирдарё вилоят ҳокими томонидан ўттиз миллион сўм пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиши, қолаверса, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг махсус совринларига эга бўлиши режалаштирилган.

Бу мурожаатнома тўлдирилган ҳолда қайта эълон қилинмоқда. Чунки дастлаб мурожаат қилганимизда иштирокчилар фақат Сирдарё вилояти ҳудудидан бўлиши зарурлиги қатъий белгиланган эди. Бизга келиб тушган таклифларни инобатга олиб, бошқа вилоятлардаги ижодкорларга ҳам танловда иштирок этиш имкониятини яратдик. Демак, танловда республикамизнинг барча ҳудудларида яшаб ижод қилаётган ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.

Жонажон Сирдарё мадҳини куйлашга бағишланган шеърларингизни Ҳалима Худойбердиева номидаги Ижод мактаби жамоасига 2019 йил 20 декабрига қадар тақдим этишингизни сўраймиз.

Бизнинг манзил: Гулистон шаҳри, "Боғишамол" маҳалласи, Ўзбекистон шоҳкўчаси, Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежи, +998933205556. Асарларингизни ушбу телефон рақамининг телеграмм рақамига ташласангиз ҳам бўлади.

*Ҳурмат билан*
*Ҳалима Худойбердиева номидаги Ижод мактаби жамоаси*

## УЗЛУКСИЗ ТАРБИЯ ТИЗИМИ – ТАЪЛИМ ТИЗИМИ АСОСИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

**Куни кеча "Оила" маркази томонидан ўтказилган махсус тадқиқот натижалари Интернет орқали тарқатилаётган ахборотлар ёшларнинг ижтимоий фаоллигини сусайтириш билан бир қаторда янги авлод вакилларининг маънавий тарбиясига ҳам салбий таъсир этаётганини кўрсатди.**




Бундай хулосалар таълим тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, оила ва мактаб ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда бола тарбияси жамиятимиз учун ниҳоятда муҳим эканини яна бир бор исботлади, дейиш мумкин. Энг ёмони, ижтимоий тармоқларда болаларимиз руҳиятига ниҳоятда салбий таъсир этувчи кибербуллинг (виртуал маконда шафқатсиз муносабатда бўлиш, руҳий тасир кўрсатиш кабилар) авж олаётганидир. Бундан эса ўсмир ёшларда Интернет ва мобил алоқа воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва уларни интернет тармоқларида тарқатилаётган киберфирибгарликлардан огоҳ этиш қанчалар муҳим вазифа экани ҳам англашилади.

Ёшлар таълими ва тарбиясига масъул бўлган соҳа вакиллари сифатида шуни айтишимиз мумкинки, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ахборотлар чиндан ҳам ёшларнинг маънавий тарбиясини жиддий хавф остида қолдиряпти.

Тан олишимиз керакки, бугунга келиб, айрим мактаб ёшидаги болалар катталарга, ҳатто устозларига қўл кўтаришгача боришяпти. Баъзи ҳудудларда қўлига совуқ қурол олиб, бир-бири билан ёқалашаётган болалар аниқланаётганини эшитяпмиз. Бундай ҳолатлардан эса энг аввало ота-оналар ва педагоглар жамоаси жиддий хулоса чиқаришлари лозим бўлади. Бу узоқ йиллар давомида тарбия тизимида юзага келган хатолар оқибати, албатта.

Шунинг учун ҳам мактабимизда туман халқ таълими бўлими мутасаддилари билан келишган ҳолда оила ва мактаб ҳамкорлигини кучайтиришга доир турли тадбирлар ташкил этяпмиз. Бунда ҳар бир боланинг ўзига хос характери, оиласидаги муҳит ва атрофидагиларни ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда фарзандларимиз қўлига ўзимизга раво кўрмайдиган энг қиммат "сотка"ларни олиб бериб қўйганимиз, айнан ана шундай хатти-ҳаракатлар бола тарбиясига ҳам салбий таъсир этаётганини таъкидлаш керак. Улар қўлидаги "овунчоғи" орқали ҳар куни, ҳар дақиқада одам кўрса эсанкирайдиган, "шок"ка тушадиган жангари, даҳшатли воқеалар тасвирланган фильмларни кўряптилар. Шунинг учун фарзандларимизга телефон олиб беришдан олдин интернетдан фойдаланиш кўникмаларини ўргатсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бизнингча, "Оила" маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларини кенг оммага етказиш бу борадаги камчиликларни тузатиш учун асос бўлиб ҳам хизмат қилади. Зеро, юқоридагидек ҳолатлар узлуксиз тарбия тизимига эътибор кучайтирилиши лозимлигини яна бир бор кўрсатяпти.

**Маҳфуза Абдураҳмонова,**
**Саодат Ҳакимова,**
**Олмазор туманидаги 165-мактаб ўқитувчилари**

**Ҳокимият бўғинларининг фаолияти "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойил асосида жамият билан доимий ва тизимли мулоқотни, давлатнинг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга асосланади.**
















# «MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!
























**Маҳаллий ижро органлари раҳбарларини лавозимга тайинлашдан олдин халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар муҳокамасидан ўтиши, унда ўзининг аниқ кўрсаткичларга эга ўрта ва узоқ муддатли дастурини депутатларга тақдим этиш амалиётини жорий этиш тарафдори.**
















# «MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯси НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!
























**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, давлат идоралари ва раҳбарларининг жамият ва халқ олдида ҳисобдорлигини оширишга хизмат қиладиган ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди.**
















# «MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА

# ОВОЗ БЕРИНГ!
























**Давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштириш, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, расмий ҳамда оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ ва мақсадли ишларни олиб боради.**
















# «MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯси НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!
























**Ҳар бир тил шаҳару қишлоқлар каби шу халқнинг бутун тарихи давомида яратилади, обод водийлар каби асрлар давомида сайқал олади.**

**Ҳар бир сўз – ҳаётдаги муайян бир нарса ёки тушунчани ифодалайди. Демак, кишида сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, одам тилни қанчалик чуқур билса, унинг ички дунёси шунчалик бой бўлади. Ҳар бир халқ ўзи обод қилган водийлар, ўзи яратган тил бойликлари билан шунчалик ифтихор қилади. Чунки ҳар бир тил шаҳару қишлоқлар каби шу халқнинг бутун тарихи давомида яратилади, обод водийлар каби асрлар давомида сайқал олади.**

**Шу нуқтаи назардан А. Қодирий, С.Айний, Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор каби адибларимиз асарларига ёндашсак, уларнинг ҳаммаси ҳам жонли халқ тилини адабий тилга санъаткорона пайванд қилиб ишлатилганларини кўрамиз. Аммо худди шу икки дарёни – жонли халқ тили билан адабий тилни бир-бирига қандай қилиб қўшиш, уларни қандай уйғунлаштириш масаласини ҳар бир ёзувчи ўз олдига қўйган ғоявий-бадиий вазифадан келиб чиқиб, ўзига хос дид, иқтидор, ҳаётий тажриба иштирокида мустақил ҳал қилади. Уларнинг бадиий тиллардаги ранг-баранглиги шундан келиб чиқади.**



Пиримқул ҚОДИРОВ

# ТИЛ БОЙЛИГИ – ДИЛ БОЙЛИГИ

«Меҳробдан чаён» романида Анвар билан Раънонинг ҳовлида ёлғиз қолиб, бўлажак тўй ҳақида сўзлашган пайтлари:

«Раъно Анварнинг қаршисига ўтирди. Ўтириши билан кучли шамол юриб, бошидаги рўмолни учирди ва олиб бориб Анварнинг бетига ёпди.

– Ҳа-ҳа-ҳа, шамол сиздан ўчимни олди. Қани гапиринг.

Анвар рўмолни қисимига олди:

– Ҳозир гапираман. Лекин шартим бор.

...Анвар Раънонинг олачалпоқ кўланка ичида хаёлий бўлиб кўринган юзига қаради. Унинг ҳаё ичида олийлик касб этган жоду кўзи Анварнинг ҳозирги мақсадига тушунганликни ифода қилар эди».

Биз алоҳида таъкидлаган сўз ва иборалар А. Қодирийга хос бадиий тилнинг характерини кўрсатади. Бошқа ёзувчи бўлса, эҳтимол «кучли шамол эсди» ёки «шамол қўзғалди», «шамол кўтарилди» деган бўларди. А. Қодирий шамол юрди» дейди. Бу ибора ҳам халқ тилида бор. Ёзувчи шамолнинг қандай юрганини Раънонинг бошидан учиб бориб Анварнинг бетини ёпган рўмол орқали кўрсатади. Ёзувчи кўриб, ҳис қилиб турган ҳаётий ҳодисани қоғозда истаганидай ифода этиши учун шамолнинг қўзғалиши ёки кўтарилиши эмас, мана шу тарзда юришигина керак.

Анвар бетини ёпган рўмолни «қўлига олди» ёки «бетидан олиб бир четга қўйди» дейиш мумкин эди. Аммо ёзувчи Анвардаги ҳисни бермоқчи. Анварнинг бетини қандайдир бир рўмол эмас, севгилисининг рўмоли ёпади. Бошқа бир ҳолатда, эҳтимол, Анвар бу рўмолни нафис бир гул каби авайлаб олган бўларди. Аммо ҳозир Анвар ҳаяжонланиб турган пайт. Мана шуни ёзувчи жуда аниқ, жуда кучли бир сўз билан «қисимига олди» деб ифодалайди. Бу «қўлига олиб қисди, ғижимлади» деган маънони билдирмайди. «Кафтига олди» дейилса ҳам бўлмас эди. Чунки рўмол кафтда турадиган нарса эмас. Нафис бир ҳаяжон бу ерда фақат «қисимига олди» ибораси билан лўнда ва равшан ифодаланиши мумкин эди.

Тарихий романнинг қаҳрамони бўлмиш Раънонинг юзи умуман «хаёлий бўлиб кўринади» дейилса китобий бир баён келиб чиқар эди. Аммо шамол юриб турган пайтда, олачалпоқ кўланка ичида севимли йигити Анварга олийлик касб этиб, хаёлий бўлиб кўринган юз ва кўз ёрқин бир реалистик тасвирнинг намунасидир. Бу ерда жонли халқ тили унсурлари билан китобий тил унсурлари А. Қодирийнинг таланти, диди, ҳаётий тажрибаси, хуллас, унинг услубига мос тушадиган бир тарзда узвий бирлашади.

Энди Ғафур Ғуломнинг «Ёдгор» қиссасини эсланг. Меҳрихон исмли жувон эски турмуш иллатларига ён бериб, эмизик боласини чапани йигит Жўрага алдамчилик билан топшириб кетади. Болага Ёдгор исмини қўйган ҳам, уни юз ўлимлардан олиб қолиб, одам қилган ҳам – Жўранинг онаси. Ҳали уйланмаган ўғли ёш гўдакни кўтариб келганда кампир аввал уни яқин қариндошларидан бирининг боласи деб ўйлайди.

«Нинни-ниннигина, неварагинамдан ўргилай, йиғламасин, йиғламасин, мана ҳозир бувингиз қўлини артади, дўндиққинамни ўзим бағримга босаман». Боланинг онаси келавермагач, кампир Жўрага «тиниб-тинчимайсанда, ўғлим, – дейди. – Сенинг болажонлигинг менинг ҳам тинкамни қуритди... Тусингни ел емасин, ўғлим, ҳай сен қанақа бола чиқдинг?» Жўра болани «ўзимники, онаси туғиб ўлди» деб эълон қилади. Шунда кампир йиғлашга тушади. «Етти номусимни ерга букдинг, жувонмарг. Мен сени ким кўрганга мақтаб, орқангдан кўрпача солдириб юрган бўлсам! Қариган чоғимда кенжагинамнинг хотини менга пушти паноҳ, қўл-оёқ бўлармикан деган эдим».

> ## «НОМУСГА ҚОЛДИРДИНГ»
> **деган иборага нисбатан «етти номусимни ерга букдинг» деган ибора қанчалик сермазмун бўлса, меҳрибон онадаги изтироб ҳам баъзи бир лўлироқ аёлларнинг ор-номус ҳақидаги додвойларига нисбатан шунчалик кучли. Она ўғлини ҳамма жойда мақтаб юрган.**

Бу ерда оддий бир онанинг ички дунёси, дили унинг ажойиб тили орқали очилади. Ўғли Жўрани «болажон» деб атаган кампирнинг ўзи болажонликда тенгсиз. Ўғлининг қўлида йиғлаётган чақалоқни юпатмоқчи бўлиб айтган гапларига қулоқ солинг: «Ниннигина, неварагинамдан ўргилай, йиғламасин, йиғламасин». Ҳали тили чиқмаган бола бу сўзларнинг меҳрга тўла маъносини уларнинг гўзал оҳангидан сезиб олиши мумкин. Бу сўзларни айтаётган пайтда онанинг юзида, кўзларида гўдакни ўзига ром қиладиган қанчалик илиқ туйғулар барқ уриб кўринган экан! Ёзувчи буни тасвирлаб берган бўлмаса ҳам, кампирнинг дилига муносиб сўзлари орқали биз унинг кулиб турган юзини ҳам, меҳрибон оналик қиёфасини ҳам кўз олдимизга келтира оламиз.

Кейинчалик ёмон бир ҳодиса юз бергани Жўранинг важоҳатидан сезила бошлайди. Шунда она аввал сал жиддийлашади, сўнг ранжиб гапираётгани унинг «тиниб-тинчимайсан-да», «тусингни ел емасин!» деганидан сезилади. Ҳар бир сўз онанинг тилида гавҳардай товланиб жилваланишига эътибор беринг. «Тусингни ел есин» деган қарғиш бор. Бу ерда «ел» сўзи шамолнинг бир турини эмас, касалликнинг бир турини билдиради. Юзини ел еган одам жуда бадбашара бўлади. Шамол маъносидаги ел матонинг рангини ўнгитиб, тусини олиб, хунук қилиб қўяди. Эҳтимол, «тусингни ел есин» деган қарғишнинг мана шундай маъноси ҳам бордир. Нима бўлганда ҳам, Жўранинг онаси ўз ўғлига бундай ёмон елларни раво кўрмайди. У ўғлига «тинмайсан» ёки «тинчимайсан» дейиши мумкин эди. Бироқ бу сўзлар алоҳида-алоҳида айтилганда она истаган нозик маънони бера олмас эди. «Тиниб-тинчимайсан-да» деган иборада эса оналарча эркалатиб уришиш оҳанги бор. Бу икки сўз мана шу тарзда бир-бирига қўшилганда бир-бирига зарбланиб, таъсир кучи гўё тўрт баробар ошгандай туюлади. Кўнгилсиз бир ҳодиса юз берганлиги, ҳали уйланмаган йигит бирдан онасиз гўдакка ота бўлиб қолганлиги кампирни жуда эзади. Баджаҳлроқ аёл бўлса, Жўрани нотаниш гўдак билан бирга қувиб юбориши ёки ўзи аразлаб бошқа ўғлиникига кетиб қолиши мумкин эди. Бироқ бу ерда тасвирланаётган аёл меҳрибон бир она. Рўй берган кўнгилсизлик уни ҳам қийнайди. «Етти номусимни ерга букдинг-ку» деган сўзлар айтилганда биз онанинг қанчалик қаттиқ оғринаётганини сезамиз. «Номусга қолдирдинг» деган иборага нисбатан «етти номусимни ерга букдинг» деган ибора қанчалик сермазмун бўлса, меҳрибон онадаги изтироб ҳам баъзи бир лўлироқ аёлларнинг ор-номус ҳақидаги додвойларига нисбатан шунчалик кучли. Она ўғлини ҳамма жойда мақтаб юрган. Буни энди ўзига хос қилиб, «мен сени ким кўрганга мақтаб юрсам!» дейди. «Ким кўрганга» деган қисқа ибора «қаерда кимни кўрсам ўшанга» деган маънони билдиради. «Орқангдан кўрпача солдириб юрган бўлсам» дегани «соясига кўрпача солдиради» деган мақолга яқин. Бу мақолда лаганбардорларга қарши қаратилган истеҳзо бор. Кампирнинг сўзлари ҳам истеҳзодан холи эмас. Фақат бунинг мақолдан фарқланадиган маъноси шуки, кампир ҳаммага ўғлини мақтаб, унинг яхшилигига одамларни ишонтирган, шунинг учун баъзилар орқаворатдан Жўрани ҳурмат қилиб, унга «кўрпача тўшаб» юрган, яъни қариндошларидан бири унга қизини берадиган бўлган. Кампир эса бўлажак келинга умид боғлаб, «қариганимда пушти паноҳ, қўл-оёқ бўлармикан» деб ўйлаган. Мана энди бу ҳаммаси пучга чиқди. Жўранинг аммаси қизини бермайдиган бўлади:

«Бо, худо кўтарсин унақа йигитни, ким кўрган билан юриб, бола кўтариб келадиган бебошбоққа берадиган қизим йўқ. Менинг қизим ҳали очилмаган гул, моҳпора».

Бу ерда оналарнинг бошқа бир тоифаси гапиряпти. «Бо, худо кўтарсин» деган жумланинг ўзиёқ димоғдор бир аёлни кўзимизга кўрсатади. Ёзувчи бу аёлга киноя кўзи билан қараётгани, «менинг қизим очилмаган гул, моҳпора» деган сўзларда сезилади. Сўнгги сўзларни Жўранинг аммаси айтган. Аммо Жўра бу сўзларни мақтанчоқ, чиранчиқ бир аёл айтганини сезиб туради ва ўз ҳикоясида буни китобхонга ҳам сездиради. Хусусан, «моҳпора» сўзининг урғу билан айтилиши кулгили. Эҳтимол, Жўранинг аммаси бу сўзга «очилмаган гул»дан ҳам зўрроқ бир маъно бераётгандир-у, «моҳпора»нинг асл маъноси нималигини билмас. Форс-тожик тилларида ойни «моҳ» дейдилар. «Пора» дегани «бир бурда», «бир бўлак» деган маънони билдиради. Демак, «моҳпора» дегани «ойнинг бир парчаси», «ойнинг бир бурдаси» дегани бўлади. Ой ўзи гўзал бўлганда ҳам, унинг бир парчаси, бир бурдаси ортиқ даражадаги мақтовга сазовор эмас. Шунинг учун ўзбекчада тўғридан-тўғри «ойдай қиз» дейилади. Агар мақтовни яна бир даражада ошириш керак бўлса «ой деса ой, кун деса кун» деб таърифланади. Бу билан биз «моҳпора» сўзини камситмоқчи эмасмиз. Тилимизда бу сўзнинг ҳам ўзига муносиб ўрни бор, хизмати бор. Фақат Жўранинг аммаси бу сўзни маъносига тушунмасдан ишлатаётганини, «моҳпора»нинг маъносини яхши биладиган ёзувчи эса унинг мақтанчоқлигини кулги қилаётганини айтмоқчимиз, холос.

Ёзма адабиётимиз асрлар давомида истеъмолга киритган сўз бойликлари реалистик характерлар орқали янги адабий тилимизга кириб, хилма-хил вазифаларни бажаради. Масалан, биз баъзан бош бармоқдан кейингисини русча «указательный палец»га ўхшатиб «кўрсаткич бармоқ» деймиз. Ҳолбуки, ёзма адабиёт орқали кирган «шаҳодат бармоқ» ибораси янги адабий тилимизда ҳам ишлатилиб келади. Ғ. Ғулом ёзган «Шум бола» қиссасининг бош қаҳрамони қаландарларга қўшилгандан кейин эшон учраб қолади:

«Шаҳодат бармоқлари» билан ўз олдиларига имладилар. Тавозе билан олдиларига бордим. «Муборак қўллари билан пешонамдан силаб:

– Бой, бой бўтам, жуда «худо назар қилган бачча экансан, осмонга қара ўғлим! – дедилар.

Шунда беш панжаларининг орасидан етмиш битта жаннат кўрибман».

Бу ерда ёзувчи ҳаст эшоннинг «мўъжиза»ларини ҳажвий кулги билан кўрсатяпти. Эски диний китобларда илоҳий одамлар беш панжаларининг орасидан етмиш битта жаннатни кўрсата олишлари жиддий оҳангда ҳикоя қилинади. Ғ. Ғулом эса бу ерда ўша оҳангни масхара қилади. Эшоннинг ҳажвий характерини очишга хизмат қилган «тавозе», «муборак қўллар», «худо назар қилган бачча» каби сўз ва иборалар адабий тилга кириб, янги мазмунни очишга билвосита хизмат қилади.

С.Айнийнинг «Қуллар» романидаги қул савдоси саҳнасида содда бир харидор қулбаччага хуштор бўлиб: «Умед билан келдим, бозордан қуруқ қайтмай дейман, бунга 50 тилло берай, келинг, ҳай денг энди», дейди. Романнинг 1935 йилги бу нашрини С. Айнийнинг ўзи ўзбекча ёзган. «Умид» сўзининг тожикчага яқин қилиб «Умед» шаклида айтилиши, «хўп денг» ўрнига «ҳай денг» ибораси ишлатилиши бухоролик кишининг ўзига хос сўзлаш услуби борлигини кўрсатади. Қул бозорида юрган Абдураҳмон бой етти ёшлик маъсум қулга қизиқиб қарайди. Бойнинг кетидан қолмай юрган даллол:

« – Келинг, бой ака, шу болани олинг, деб жиддийроқ далолат қила бошлади».

Бу ердаги «далолат қила бошлади» ибораси мумтоз адабий тил анъаналаридан фойдаланишнинг характерли мисоли бўла олади. Биз «даллол» ва «далил» (исбот) сўзларини яхши биламиз. Жонли тилда «далолат қилди» эмас, «даллоллик қилди» дейилади. Аммо «даллоллик қилиш» бутун бир касбни умумий тарзда ифода қилади.

С. Айний тасвиридаги «далолат қилиш» эса сотилаётган қулнинг фойдасига далил кўрсатиш, уни харидорга танитиш, реклама қилиш каби конкрет маъноларни билдиради. Араб тилини яхши биладиган кекса зиёлилар бу тилда мавжуд бўлган имкониятлардан ҳам жуда яхши фойдаланганларки, бу – классик адабий тилимизда ғоят тараққий этган бир анъана эди.

«Сароб» романида Саидий Аббосхон деган адабиётшуносни ўзича шундай баҳолайди: «Ижод» тилсимининг сирлари шу Аббосхонгагина маълум... У қобилият тўғрисида «заршунос» бўлиб, ҳар кимга ўз иқтидорига қараб шу сирлардан озроқ айтади. Мумтоз шоирларнинг мумтозлик сирларини ҳам шу одам орқали билиш мумкин».

«Иқтидор», «мумтоз шоир» каби сўз ва иборалар ҳозирги адабий тилимизда кам учрайди. Аммо буларни эскирган китобий сўзлар деб аташ ҳам тўғри эмас. Чунки А. Қаҳҳор йигирманчи йиллардаги ижодий зиёлилар муҳитини шу сўзларнинг иштирокисиз тасвирлай олмас эди. Айрим нозик фикрлар ёки туйғуларни алоҳида товланишларигача аниқ очиб бериш учун бундай сўз ва иборалардан ҳозир ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳамма гап бундай сўз ва ибораларни ўз ўрнида маҳорат билан ишлатишда.

Ойбек ўзининг «Навоий» романини Ҳирот тасвиридан бошлайди:

«Баҳор қуёши кўкнинг тиниқ ферузасида, «Гавҳаршод» мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар, азамат пештоқларнинг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавоий бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар чақнатар, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди».

Ёрқин бир манзарани кўз олдимизда гавдалантирувчи бу гўзал тасвир ўзбек тилининг энг яхши классик ва замонавий анъаналарини бир-бирига санъаткорона пайванд қилиш натижасида майдонга келади. «Баҳор қуёши», «азамат пештоқ», «олов ранглар», каптарларнинг сирпаниб ўйнаши – ҳаммаси замонавий тилимизга хос иборалар. Шу билан бирга осмонни «кўкнинг тиниқ ферузаси» дейилиши, гумбаз нақшларининг ҳавоий бир чаманзорга қиёс қилиниши жумлага тарихий ранг беради, айни чоқда, классик поэзиямизнинг руҳини ҳам романига олиб киради. «Феруза», «ҳавоий» деган қадимий сўзлар бошқа бир жойда учраса кўп ишлатилиб, сийқаси чиққан сўзлар бўлиб туюлиши мумкин эди. Аммо санъаткор ёзувчи ўзининг қалб ҳарорати билан бу сўзларни гўё янгилаб, ёшартириб юборади, улар гўзал бадиий тасвир таркибига киргандан кейин китобхонга янгича завқ беради, унинг дилини бойитади.

Келтирилган барча мисоллардан кўриниб турибдики, ажойиб ўзбек адиблари маълум бир даврни, маълум бир инсоний, миллий, ижтимоий муҳитни, маълум қаҳрамонларни ҳаққоний тасвирлаш йўли билан адабий тилимизга жуда кўп сўз бойликларини олиб кирдилар, бу тил бойликлари билан китобхонларнинг дилларини бойитди.

*1972*

Монопол фаолият, шунингдек, тиббиёт соҳасидаги қонунбузилишлар, хусусан, тиббий ёрдам кўрсатмаганлик, ташхис ва даволаш бўйича нотўғри маълумотнома берганлик ва бошқа ҳолатлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш тарафдори.
















# «MILLIY TIKLANISH» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯси НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!
























**Лаганбардор ўзини ерга уриб бўлса ҳам, раҳбарлар назарида, иши тушган одамлар нигоҳида обрў қозонишга, уларга содиқ кўринишга ҳаракат қилади. Унда ғурур, самимият йўқ.**



## Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ШҲТ билимлар зали очилди

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 26 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билимлар зали очилди.**

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда ШҲТ Халқ дипломатияси маркази, ШҲТнинг яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик бўйича Хитой қўмитаси, ЕХҲТ лойиҳалари мувофиқлаштирувчисининг Ўзбекистондаги офиси вакиллари, журналистлар, кенг жамоатчилик иштирок этди.

ШҲТ Халқ дипломатияси маркази Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистоннинг ШҲТга аъзо давлатлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлашда халқ дипломатияси механизмларидан фойдаланишни кўзда тутади. Марказ фаолиятининг "Йўл харитаси"га мувофиқ, Миллий кутубхона билан биргаликда ташкил этилган ШҲТ билимлар зали кенг жамоатчилик, мутахассислар, ўқувчиларга мўлжалланган.

Очилиш маросимида халқ дипломатияси фуқаролик жамияти ва хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим механизмлардан бири экани қайд этилди.

ШҲТ билимлар залига ўзбек, хитой, рус ва бошқа тиллардаги турли мавзуларга оид уч юздан зиёд адабиёт қўйилган.

Тадбир доирасида Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона билан ШҲТ Халқ дипломатияси маркази ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

**С.РАҲИМОВ, ЎзА**

# 2 КУНДА 146 МИНГТА БУЮРТМА



**Tesla асосчиси Илон Маск компания янги электромобиль – Cybertruck пикапига 146 мингта буюртма олганини маълум қилди.**

Tesla янги электромобилини 22 ноябрга ўтар кечаси тақдим қилганди. Машина дизайни "Тиғ бўйлаб югурувчи" фантастик фильмидаги машинаники каби бўлиб, унинг энг арзон варианти 39990 доллардан, бир қувватланишда 300 миль (550 км) юрувчи варианти 49 990 доллардан ва 500 миль (900 км) юрувчи ва 3 та электромоторли варианти 69990 доллардан сотилиши режалаштирилган.

"Айни вақтда 146 мингта буюртма олинди. 42 фоиз буюртмачи 2 моторли, 41 фоизи 3 моторли ва 17 фоизи бир моторли вариантни танлади. Ҳеч қандай рекламасиз", деб ёзган Маск твиттерда.

Маск машина тақдимоти вақтида янги пикап том маънода ўқ ўтказмайдиган эканини, унинг эшиклари SpaceX ракеталари яратилишида қўлланадиган қотишмадан ишланишини айтган. Бироқ машинанинг зарбаларга чидамли деб таърифланган ойнасини намойиш вақтида синдиришга муваффақ бўлинган. Маск эса бунда қўлланган металл шарча четга учиб кетиб, машина салонига тушмаганини қайд қилиб ўтган.

## «Аслинг каби кўрин ёки кўринганинг каби бўл!»



Жалолиддин Румий

Инсоннинг ўзлиги ва имиджи гўёки унинг сийрати ва сурати кабидир. Сийратнинг гўзаллиги суратда намоён бўлмаса, ҳеч ким ундан баҳра ололмайди. Сурат эса аслида сийратдан қувват олади, уни акс эттиради.

Гап шундаки, баъзан ўзингиз билмаган ҳолда одамларда ёмон таассурот қолдириш ҳолатлари ҳам учрайди. Ўринсиз ҳазил, гапга ёлғон аралаштириш, ўзгалар кўнглини қолдириш, ваъдани унутиш каби хатти-ҳаракатлар бунга сабаб бўлади.

Доим ижобий имидж яратишга интилиш ҳар бир инсонга хос хусусият. Бироқ яратган имиджингиз аслиятингизга мос бўлмаса, албатта бир кун ниқоблар олиниб, ҳақиқий қиёфа очилиб қолиши мумкин.

Афсуски, баъзи устомон фирибгарлар имидж яратишда худбинлик йўлидан фойдаланиб, бадрўй ички қиёфасини ялтироқ ниқоб билан намойиш этишади. Содда одамларнинг ишончини қозонишади, уларни чув тушириб, ғаразли мақсадларини амалга оширишади.

Шунингдек, имидж яратиш бир қарашда лаганбардорликка ҳам ўхшаб кетгандек туюлади. Аслида, ундай эмас. Лаганбардор ўзини ерга уриб бўлса ҳам, раҳбарлар назарида, иши тушган одамлар нигоҳида обрў қозонишга, уларга содиқ кўринишга ҳаракат қилади. Унда ғурур, самимият йўқ. Вафодорлик ҳам ўткинчи ва сохтадир. Лаганбардорлар фақат ўзидан юқори тоифаларга ёки иши тушган одамларга мулозамат қилишади, бошқаларга эса менсимаслик назари билан қарашади. Уларнинг имиджи фақат бирёқлама ва аслиятига мутлақо зид. Лаганбардорнинг ниқоби остидаги бадрўй турқи доим сезилиб туради.

Лекин минг афсуски, бугунги кунда авж олганидек, бу икки тоифадаги ниқобли инсонларнинг асл юзини анчамунча раҳбарлар сезмайди, билмайди...

*«Шахс имиджи» бисотидан*

Назм бекати

**Иқбол МИРЗО**

### ЎЗБЕК ЎҒЛИ

*Икки дарё ўртаси – кенг дастурхон,*
*Туз тотгансан, тузлиғингни унутма.*
*Дастурхонни белбоғ қилиб ўстирган*
*Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!*

*Садарайҳон букилгани – сўлгани,*
*Эр йигитнинг эгилгани – ўлгани.*
*Йўл бермагил душманларга кулгани,*
*Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!*

*Ўзбек десам, жаранглаган тор келур,*
*Ундан олдин номус ила ор келур.*
*Бургут келур, лочин келур, сор келур,*
*Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!*

*Унутмагил насабингни, зотингни,*
*Умид билан отанг қўйган отингни.*
*Асра эрта кунингни – зурёдингни,*
*Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!*

*Бўшамасин зинҳор ёғоч бешигинг,*
*Қулф кўрмасин дарвозаю эшигинг.*
*Йиғилмасин супадаги тўшагинг,*
*Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!*

*Кўпга келган кулфатларга чап берма,*
*Маҳмадана майналарга гап берма.*
*Кўнгил обод бўлсин, сиртга зеб берма,*
*Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!*

*Ночор қолсанг нокас қўлини тутма,*
*Арслонсан-ку тулки йўлини тутма.*
*Ўзингдан ўзгадан марҳамат кутма,*
*Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!*

Жаҳон айвонида



## ФИЛНИНГ ДАНДОН ТИШИ ҲАМ, ОЛТИНУ КУМУШИ ҲАМ БИР ТИЙИН...

**ОАВда Германиянинг Дрезден шаҳридаги "Яшил гумбаз" музейидан 1 млрд. евролик зеб-зийнатлар ўғирлангани хабар қилиняпти. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу музей узоқ йиллардан бери Европадаги энг катта хазиналар коллекциясини сақлаб келган.**

Маълум бўлишича, жиноятчилар музейга яқин бўлган кўприк остидаги трансформаторга ўт қўйиб, шаҳар марказидаги бир нечта музейни электр токисиз қолдиришган ва сигнализация ишламаётганидан фойдаланиб, соат бешлар атрофида музейга киришган. Музейдан бир нечта қиммат бриллиант ва бошқа қимматбаҳо зеб-зийнатлар олиб чиқиб кетилгани айтиляпти.

«Bild» нашрининг ёзишича, жиноятчилар ваза, суратлар ва бошқа йирик предметларга тегмай, фақат тақинчоқларнигина олишган.

Музейда олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, филнинг дандон тиши ва бошқа қимматбаҳо материаллардан ишланган 3 мингга яқин зеб-зийнат ва буюмлар сақлангани айтилмоқда.

Оналик меҳри



Спорт



## ЖАСУР ИТАЛИЯГА ЙЎЛ ОЛМОҚДА

**Тошкентнинг «Бунёдкор» клуби тарбияланувчиси, Ўзбекистон «U19» терма жамоаси аъзоси Жасур Жалолиддинов яқин кунларда Италия жамоаси билан шартнома имзолайди.**

«Бунёдкор» клуби матбуот хизматининг маълум қилишича, ёш футболчимиз Италия «В» сериясида иштирок этувчи «Беневенто» жамоасига кўчиб ўтади.

Жасур Жалолиддиновнинг хатти-ҳаракатлари «Беневенто» клуби мураббийи, италиялик машҳур собиқ футболчи Филиппо Индзаги томонидан илиқ қабул қилинган.

Жамоаларнинг ўзаро келишув масалалари яқин фурсатларда маълум қилинади, деб ёзган «Бунёдкор» клуби матбуот хизмати.

Маълумот ўрнида, октябрь ойида «The Guardian» нашри «Жаҳон футболидаги энг яхши ёш истеъдод эгалари топ-60» рейтингини эълон қилган эди. Ҳамюртимиз Жасур Жалолиддинов ҳам ана шу истеъдодлар қаторида санаб ўтилган.

ЎзА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Абдулазиз АККУЛОВ, Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Акмал САИДОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Аброр ПЎЛАТОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Шавкат ШАРИПОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент- 100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
(0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55,
Реклама ва маркетинг бўлими: 234-86-41,
Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74,
Бухгалтерия: 234-87-73.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:
Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи:
Муҳайё НУРМЕТОВА
Дизайн:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:
gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru

ISSN 2010-7714

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008-йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Адади – 25 020.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Ҳажми: 4 босма табоқ, офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими: 350x587
Буюртма – 1126
Босишга топшириш вақти 21.30. Топширилди 00.00

1 2 3 4 5 6